

Эвелин дераза олдида шом коронгуси кўчани кандай забт этаётганига караб ўтирарди. У боши билан дераза пардасига суялиб олган, димоги чанг босган газлама хидини туярди. У чарчаганди.

Кўчадан бир неча йўловчи ўтди. Охирги уйда яшайдиган киши хам уйи томон кетди. Эвелин унинг семон йўлкада тўкиллашиб кадам ташлаганини, кейин эса янги кизил уйлар олдидаги тошкол тўшалган йўлакни шитирлатиб ўтганини эшитди. Илгарилари бу жойлар яланглик эди. Улар хар куни кечкурун шу эгасиз бўш ялангликда бошка болалар билан ўйнашарди. Кейин белфастлик бир киши бу жойни сотиб олиб, уч-тўртта уй курдирди. Ялтирок томли, гишдан ясалган кизил рангли бинолар уларнинг пасткам кулранг кулбаларига ўхшамайди. Кўчанинг болалари — Дэвинлар, Уотерлар, Даннлар, кичкина Кео майрик, Эвелин ва унинг ака-укалари, сингиллари шу ялангликда бирга ўйнашарди. Лекин Эрнест ўйинга кўшилмасди, унинг бўйи чўзилиб колганди. Отаси тоголчадан ясаб олган таёгини кўтариб, нукул болаларни ялангликда куваларди. Лекин хар сафар кичкина Кео сергак туриб, отасига таклид килиб кичкириб унинг келаётганини билдиришга улгурарди. Барибир, ўшанда хартугул яхши яшашарди. Ўша пайтлари отаси хозиргидек баджаҳл эмас, онаси хам тирик эди. Хаммаси ўтиб кетди. Эвелин хам, ака-ука ва сингиллари хам вояга етди, онаси вафот этди. Тиззи Данн хам ўлди, Уотерлар эса Англияга кайтиб кетишди. Хамма нарса омонат. Энди Эвелин хам бошкаларга ўхшаб уйидан кетмокчи.

Уй! У хонага разм солиб, бунча чанг каердан кираркан, деб ажабланди, шунча йиллардан буён хар хафта чангини артиб, тозалаб кўядиган, кўзига сингиб колган буюмларга каради. Бир куни уларни ташлаб кетиши хаёлига хам келмаганди, балки энди бу буюмларни хеч қачон кўрмас. Ахир, шунча йиллар ўтиб хам, у бузук мусика асбоби устида, авлиё Маргарита-Мария Алакокнинг 1 номига битилган шаходатномаларнинг рангли тошбосма лавхаси ёнида осиглик — саргайиб кетган суратдаги рухонийнинг исм-шарифини билолгани йўк. Рухоний отасининг мактабдош дўсти эди. Отаси хар гал келган мехмонга суратни кўрсатиб беписанд охангда: “У хозир Мелбурнда”, деб кўярди. Эвелин уйини ташлаб кетишга рози бўлди. Бирок бу аклданми? У вазиятни хар тарафлама ўйлаб кўришга уринди. Уйида, нима бўлганда хам, бошпанаси бор, ейдиган нони беминнат, атрофида умр бўйи бирга яшаб келаётган жигарлари бор. Тўгри, уйда хам, ишда хам тинмай азият чекишга мажбур, албатта. Дўкондагилар унинг бегона бир йигит билан кочиб кетганини билишса нима дейишаркан? Ахмок экан, дейишса керак; кейин эълон бериб, ўрнига бошка одам топишади. Мисс Гэйвен хурсанд бўлади. У доим Эвелиндан айб кидиради, айникса, кимдир эшитиб турган бўлса.

“Мисс Хил, кутиб турган хонимларни кўрмаяпсизми?”

“Тезрок каранг, Мисс Хил” кабилида туртиб кўяди.

Эвелин дўкондан кетаётганига афсусланмайди.

Унинг янги уйида, олисдаги номаълум мамлакатда хаммаси бошкача бўлади. Кейин у — Эвелин турмушга чиқади. Одамлар унга хурмат билан мурожаат киладиган бўлишади. Унга онасига муомала килгандек кўпол муомала килишмайди. Ўн тўккиздан ошганига карамай, хатто хозир хам Эвелин баъзан отасининг кош-ковогидан кўркади. Юрагининг тез уриб кетадиган бўлиб колганига хам шу сабаб эканини у билади. Болалигида отаси уни, у киз бола бўлгани учун, Гарри ва Эрнестни калтаклагандек каттик калтакламасди, лекин охирги пайтлари отаси мархум онасининг хурмати хакики уни урмаётганини

таъкидлаб, пўписа кила бошлади. Хозир Эвелинни химоя киладиган кимса йўк. Эрнест ўлган, Гарри эса доим сахар ташкарисида, черковларни безаш билан кун кўриб юради. Устига-устак, хар шанба окшоми пул устида бўладиган жанжал Эвелиннинг тинкасини курига бошлаганди. У доим ишлаб топгани — етти шиллингни бус-бутун ўртага ташлайди. Гарри хам топган-тутганини жўнатади, лекин отасидан пул олиш ўлимдан кийин. Отаси пулни бекорга совураяпсан, сенда мия йўк, деб ўшиқарар, тер тўкиб топган пулни кўчага сочиб келишга йўл кўймаслигини айтиб, яна алламбалолар деб кизини койишга тушарди; хар шанба куни кечкурун айникса унинг феъли буткул айнирди. Бирок охир-окибат у, барибир, Эвелинга пул бериб, якшанбага тушлик учун бирор егулик келтириш ниятинг борми, деб сўрарди. Шунда Эвелин оёгини кўлига олиб югурар, оломон орасидан туртиниб-суртиниб, кора чарм хамёнини кўлида махкам сикимлаб бозор-ўчар килар ва озик-овкатларни бир амаллаб кўтарганча кеч кирганда уйга кайтарди. Эвелин рўзгорни тебратиш ва она меҳрига тўймаган икки норасидани вақтида едириб-ичириб, кечиктирмай мактабга жўнатиш учун кўп овора бўларди. Бу жуда огир, сермашаккат хаёт эди. Лекин хозир уйни тарк этиб кетаётган паллада унга бу хаёт мутлако нажотсиз бўлиб туюлмаётганди.

Эвелин Фрэнк билан бирга янги хаёт курмокчи. Фрэнк жуда меҳрибон, довюрак ва очиккўнгил йигит. Эвелин Фрэнк билан кечки кемада кетмокчи, унга эрга тегиб, уни кутиб турган Буэнос-Айресдаги уйда у билан бирга яшамокчи. Фрэнкни биринчи марта учратганида кай холатда кўрганини у жуда яхши эслайди; йигит Эвелин баъзан кириб ўтадиган марказий кўчадаги уйда вақтинча яшаб турганди. Гўё бу кечагина, бир-икки хафта бурун бўлиб ўтгандек. Фрэнк дарвоза ёнида турганди, кепкаси энсасига сурилган, сочининг бир тутами куёшда мисранг тусга кирган юзига тушган. Кейин улар танишишди. У хар куни кечкурун Эвелинни дўконнинг олдида кутиб олиб, уйигача кузатиб кўя бошлади. “Лўли киз”га<sup>2</sup> олиб тушганда эса, бурун кўрмаган кулай ўриндикларга жойлашиб ўтирган кизнинг боши осмонга етди. Фрэнк мусикани жон-дилидан яхши кўрар ва баъзан ўзи хам хиргойи килиб турарди. Одамлар уларнинг бирга юришганини билишарди ва Фрэнк “Денгизчининг каллиги”<sup>3</sup> деган ашулани айтганда Эвелин уялинкираб жилмаярди. Эвелинни хазиллашиб Кизгалдок, дерди Фрэнк. Бошида хуштор орттиргани Эвелинни ташвишга солди, лекин кейинчалик у Фрэнкка кўнгил кўя бошлади. Фрэнк узок-узоклардаги мамлакатлар хақида гапириб берарди. У денгизчиликни Аллен<sup>4</sup> йўналиши бўйича Канадагача сузиб борадиган кемада, ойига бир фунт эвазига дастёрликдан бошлаганди. У Эвелинга ўзи сузган кемаларнинг, денгиз йўлларининг номларини айтиб берарди. Бир пайтлари Магеллан бўғозида сузганди ва кизга кўркинчли патагонияликлар хақидаги ривоятларни сўзлаб берарди. Ўзининг айтишича, у Буэнос-Айресда кўним топган, ватанига эса факат дам олиш учун келган экан. Албатта, Фрэнк билан ўрталаридаги муносабатдан хабар топгач, отаси Эвелинга бу йигит билан гаплашишни такиклаб кўйди.

“Мен бу олифта денгизчиларни жуда яхши биламан”, деди у.

Бир куни отаси Фрэнк билан тортишиб колди, шундан сўнг Эвелин севгилиси билан яширинча учрашиб юришга мажбур бўлди.

Кўчада коронгулик куюклашди. Эвелиннинг тиззасида ётган иккита хатнинг ок доглари чаплаша бошлади. Уларнинг бири Гаррига, иккинчиси отасига ёзилганди. Эвелиннинг Эрнестга меҳри бўлакча эди, лекин у Гаррини хам яхши кўрарди. Эвелин отасининг тез кариётганини ўйлади. У кизини соғиниб азобланади, албатта. Баъзан қария жуда меҳрибон бўлиб қолади. Яқинда Эвелин тоби қочиб бир кун уйда ётиб колганида отаси

унга арвохлар хакида хикоя ўкиб берди, кейин кизига ўчокда бўгирсок пиширди. Бир сафар, онаси тириклигида, улар хаммаси бирга Хаут-Хиллга5 дам олгани боришганди. Ўшанда отаси болаларини кулдириш учун онасининг шляпасини кийиб олганини у жуда яхши эслади.

Вакт зик, шошилиши керак, лекин у халиям дераза пардасига суялиб, чанг босган газлама хидини хидлаб ўтирибди. Кўчадан шарманкаб овози эшитилди. Унга бу куй таниш эди. Кизик, шарманка Эвелинга иложи борича рўзгорга кўз-кулок бўлиб туриш хакида онасига берган ваъдасини эслатиб кўймокчидек айнан бугун окшом куй таратаётир. У бемор онасининг охирги тунини эслади. Эвелин дахлизнинг нариги тарафидаги коронги, дим хонада ўтирганди. Ташкаридан италянча гамгин куй эшитилди. Шарманкачига майда пул бериб хайдаб юборишди. Эвелин отасининг: “Лаънати италянлар! Шу ергаям етиб келишибди!”, дея гўддайиб бемор ётган хонага кирганини эслади.

У онасининг манглайига тамгадек босилган укубатли турмуш хакида ўйлади. Мудом йўкотишу етишмовчиликлар билан ўтган бу умр охир-окибат онасини аклдан оздирганди. “Derevaun Seraun! Derevaun Seraun!”<sup>7</sup>

Онасининг бу гапни телбаларча ўжарлик билан кайта-кайта айтган овозини эшитиб, Эвелин сесканиб кетди.

Кутилмаганда уни вахима босиб, ўрнидан сапчиб турди. Кочиш керак! Кочиши керак! Уни Фрэнк куткаради. У Эвелинни бахтли килади, эхтимол, меҳр-мухаббатини хам аямас. Унинг яшагиси келади. Нега энди у бахтсиз бўлиши керак? Бахтли бўлишга хакки бор-ку! Фрэнк уни кўлидан махкам тутуди, багрига босади. У Эвелинни куткаради.

Эвелин Норт-Уолдаги бандаргоҳда, бесаранжом оломон орасида турарди. Фрэнк унинг кўлидан ушлаб олганди. У огзи тинмай кизга сафарлари хакида бир нималарни кайта-кайта тушунтирарди. Бандаргоҳ жигарранг халта кўтарган аскарларга тўла эди. Эвелин кенг бино эшиги оркали киргокка кадалиб турган, калин ойнали дарчалари ёруғ кеманинг хайбатли корасини кўрди. Эвелин огиз очмади. Ёнокларидан кони кочиб, юзи окариб кетганини хис этди ва иккиланиш-у умидсизликдан чарчаб, тўгри йўлни кўрсатишини, бурчидан оғох этишини сўраб худога ёлворди. Кема коронги осмонга карата узун мунгли гудок берди. Агар Эвелин кетса, эртага Фрэнк билан денгизда, Буэнос-Айресга караб сузаётган бўлади. Улар кемага патта олишган. Фрэнкнинг шунча яхшиликларидан кейин у ортга чекина оладими? Умидсизлик юрагини алагда килиб, Эвелиннинг кўнгли айний бошлади, лекин у пичирлаганча бор кучи билан худога ёлворишда давом этди.

Кўнгирок жаранги юрагини тилиб юборгандек бўлди. У Фрэнк кўлини сикканини пайкади.

“Кетдик!”

Дунёдаги жамики денгизлар гўё Эвелиннинг юрагида кўпириб тошаётгандек бўлди. Фрэнк уни ўша денгизлар қаърига торткилаётир. Уни чўктириб юборади. Эвелин икки кўли билан темир тўсикка ёпишиб олди.

“Кетдик!”

Йўк! Йўк! Йўк! Бунинг иложи йўк. Киз титраб-какшаб темир тўсикни махкам чангаллаб ушлаб олди. Денгизлар қаърига азобли фарёдини отди.

“Эвелин! Эви!”

Фрэнк тўсикни ошиб ўтиб, Эвелинни чакирди. Йигитга тезрок кемага чикиб олиши кераклигини айтишди, лекин у тинмай кизни чакирарди. Эвелин худди чорасиз колган

жонивордек докадек окариб кетган юзини йигит томонга бурди. Кизнинг нигохидан унинг Фрэнкка мухаббатини хам, видолашаётганини хам, уни илгаётганини хам билиб бўлмасди.

**Инглиз тилидан Алишер Отабоев таржимаси.**

**ИЗОХЛАР:**

1. Маргарита-Мария Алакок (1647 — 1690) — рохиба, католик черковидаги энг машхур маросимлардан бири — Мукаддас юрак ибодатининг асосчиси.
2. Ирланд композитори ва опера кўшикчиси Майкл Уилям Балфнинг (1808 — 1870) М.Сервантес новелласи сюжети асосидаги машхур операси.
3. “Денгизчининг каллиги”, инглиз композитори ва драматурги Чарлз Дибдиннинг (1745 — 1814) ашуласи.
4. Англияни Канада ва АКШ билан боглайдиган денгиз йўли.
5. Дублин бўгозидаги унча катта бўлмаган тоғ.
6. Шарманка — кути шаклида бураб чалинадиган мусика асбоби.
7. “Рохатнинг охири — азоб!” (ирланд тилида бузиб айтилган).